ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

70110501 – ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

(Бошланғич таълим)

магистратура мутахассислигининг

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Тошкент - 2022

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 302
09 09 2022 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги _____ бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «9» 09 даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202_ йил «9» 9 даги ____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкаси ва касб стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

1. 70110501 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

1.1. Қўлланиш соҳаси 4

1.1.1. 70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши..... 4

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... 4

1.2. 70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи..... 4

1.2.1. 70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари..... 4

1.2.2. 70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари..... 5

1.2.3. 70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари..... 5

1.2.4. 70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари..... 5

2. 70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... 7

2.1. Умумий компетенциялар..... 7

2.2. Касбий компетенциялар..... 8

Библиографик маълумотлар.....

1. *70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи*

70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби ***70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим)*** магистратура мутахассислиги бўйича магистлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

***70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим)* магистратура мутахассислиги** – қўшимча равишда олий таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида жараённи лойиҳалаштириш, шунингдек таълим сифатини мониторинг қилиш давлат инспекцияси, Давлат тест маркази, вилоят, туман халқ таълими бошқармаларининг таълим сифатини мониторинг қилиш бўлимлари каби комплекс масалалар, касбий кўникмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. *70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим)* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- таълим сифатини мониторинг қилиш бўлимлари фаолияти ва жараёнлар;
- Давлат тест маркази объектлари мажмуаси фаолияти ва жараёнлар;
- ўрганилаётган тилда ҳужжатлар, она тили тарихи, замонавий она тили;
- мактаб ва мактабдан ташқари ўқув муассасаларидаги ўқув жараёни, маънавий–маърифий фаолият;
- таҳрир ва таҳририят фаолияти, оммавий ахборот воситалари фаолияти;
- она тили ва адабиёт соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари.

1.2.3. *70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим)* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:

- *илмий-тадқиқот;*
- *илмий-педагогик;*
- *маънавий-маърифий;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолият.*

1.2.4. ***70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим)*** **магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

70110501 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) мутахассислиги бўйича миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уларни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;
- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;
- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- таълим-тарбия жараёни қатнашчилари ва ижодий жамоани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

- илмий ва ўқув фаолияти сифатини бошқариш ҳамда инновацион технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни такомиллаштириш.

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар ва умумий ўрта таълим тизимидаги педагогик фаолиятда:

- мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;

- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар ва умумий ўрта таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш маҳоратига эга бўлиши;

- замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг технологик методларидан ва компьютер воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасида энг замонавий шакллар, методлар ва турли воситаларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш;

- электрон ахборот таълим ҳамда рақамли таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;

- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;

- педагогик маҳорат асосларини, коммуникатив ва рефлексив таълимотни, нотиқлик қобилиятини ўзлаштириб бориш;

- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларини ўрганиш, ишлаб чиқиш.

2. 70110501- *Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим)* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқотлар ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолиятида ундан замонавий илмий асосда фойдалана билиш;
- янги билимларни мунтазам мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз касбий фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан унумли фойдалана олиши, ахборотлашган рақамли таълим муҳитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларини англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқни аниқ баён қилиш қобилиятларига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятда фойдалана олиши;
- илмий фаолият натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирилган фанларнинг асосий қонуниятларидан фойдаланиши, фанни ўрганишга оид методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- педагогик илмий-тадқиқот фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолият натижалари бўйича давлат ва хорижий нашрларда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

Ўқув даврлари	Ҳафта тақсимоти
Назарий ва амалий таълим *Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати*	35-55% *30/70 нисбатдан 40/60 % нисбатгача*
Аттестация	4-9 %
Таътил	6 -16 %
Илмий фаолият	45-55%

Илмий фаолият магистратура таълим олувчиларининг якка тартибдаги тақвимий иш режаси асосида амалга оширилади ва қўйидагиларга бўлинади:

- илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 60-75%;
- илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25-40%;

Барча таълим соҳалари учун назарий ва амалий таълим ҳажмининг камида 95% умумметодологик ва мутахассислик фанларидан ташкил топган мажбурий ва танлов фанлари блокидан иборат.

Магистратура мутахассисликлари талабаларининг илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш тартиби ва малака амалиёти (тажриба орттириш)ни ўташ тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми

Малака талабини ишлаб чиқишда фойдаланилган касб стандарти:

Касб стандарти номи	Касбий фаолият тури	Касб стандартининг қайд қилиш рақами	Касб стандартини амалиётга жорий этиш санаси
Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси	Умумий ўрта таълим педагогик фаолият	Р.003.1286/И-21	23.08.2021 №332 ИЧ

Манба: Касб стандартлари реестри. Манба: Касб стандартлари реестри, https://prof-standart.uz/uz/profStandart/1291

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат педагогика университети

Ректор_____А.Киргизбаев

2022 йил «_____»_____

М.Ў

КЕЛИШИЛГАН:

ОЎМТВ ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази

Директор_____Ш.У.Якубов

202__йил «_____»_____

М.Ў.

Кадрлар буюртмачиси:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази

Директор_____Ш.Ш.Саттаров

202__йил «_____»_____

М.Ў.

Жиззах давлат педагогика университети

Ректор _____

2022 йил «_____» _____

М.Ў

Қўқон давлат педагогика институти

Ректор _____

2022 йил «_____» _____

М.Ў

70110501- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) магистратура мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган малака талаби мазмуни бўйича ишчи гуруҳи

№	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзолари	аъзоларнинг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
1	раис	Кадиров Х.Ш.	Низомий номидаги ТДПУ, педагогика фанлари доктори, ўқув ишлари бўйича проректор	
2	раис ўринбосари	Маматкулов Д.	Низомий номидаги ТДПУ Магистратура бўлими бошлиғи	
3	аъзо	Халиков А.А.	Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълимда она тили ва уни ўқитиш методикаси” кафедрасининг мудири, педагогика фанлари доктори, профессор. Тел.: (97) 700 80 00	
4	аъзо	Аброрхонова К.А.	Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълим педагогикаси” кафедрасининг мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Тел.: (97) 445 14 46	
5	аъзо	Санакулов Х.Р.	Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълимда математика ва уни ўқитиш методикаси” кафедрасининг мудири, доцент, педагогика фанлари номзоди. Тел.: (99) 813 10 14	
6	аъзо	Нусратова Ҳ.Ч.	Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълимда она тили ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Тел.: (90) 718 29 23	

Ўқув ишлари бўйича проректор Х.Ш.Кадиров

Ўқув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими бошлиғи Б.Дж.Саттарова

Факультет декани А.Хазраткулов